**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУСТАПОҚУЛОВ ХАМДАМ ЯНГИБОЕВИЧ**

# ТАҚСИМЛАНГАН ПАРАМЕТРЛИ СИСТЕМАЛАРДА ЭВОЛЮЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИНИ ЕЧИШ

**01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

*УДК: 517.977.56*

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУСТАПОҚУЛОВ ХАМДАМ ЯНГИБОЕВИЧ**

# ТАҚСИМЛАНГАН ПАРАМЕТРЛИ СИСТЕМАЛАРДА ЭВОЛЮЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИНИ ЕЧИШ

**01.01.02. – Дифференциал тенгламалар ва математик физика**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (DOCTOR OF PHILOSOPHY) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2020**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/FM9 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифаси (www.fdu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (http://www.ziyonet.uz/) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Тўхтасинов Мўминжон**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Саматов Бахром Таджиахматович**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| | **Рахманов Асқар Тажибаевич**<br>физика-математика фанлари номзоди, доцент |
| **Етакчи ташкилот:** | **ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти** |

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19 уй. Тел.: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона шаҳар, Мураббийлар кўчаси, 19 уй. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2020 йил «____» _______________куни тарқатилди.

(2020 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

**А.К.Уринов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

**И.У.Хайдаров**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.н.

**Ш.Т.Каримов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, аксарият ҳолларда, тақсимланган параметрли системаларда эволюцион жараёнларнинг бошқариш масалаларини ўрганишга келтирилади. Тақсимланган параметрли системалар дифференциал тенгламалар назариясининг объекти бўлсада, бу назария муҳим хусусияти билан ажралиб туради. У ҳам бўлса, тадқиқ этиш учун дифференциал геометрия ва алгебра, функционал анализ ва топология, бугунги шарт-шароитда эса, ҳисоблаш математикаси ва компьютер технологияларининг ҳам методларини қўллашни талаб этишидадир. Ўз навбатида, бошқарилувчи тақсимланган параметрли системалардаги эволюцион жараёнларнинг математик назарияси ва унинг татбиқлари математик физика назарияси методларига таянади. Техника ва табиатдаги жараёнларнинг кўпчилиги эволюцион характерга эга бўлгани учун тақсимланган параметрли системалар ёрдамида адекват тарзда моделлаштирилади, шу сабабли тақсимланган параметрли системаларда эволюцион жараёнларнинг бошқариш масалаларини ўрганиш замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан биридир.

Ҳозирги кунда жаҳонда мураккаб техник объектлардаги иссиқлик ўтказиш ёки тебраниш жараёнларини бошқаришнинг математик моделларини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада, манба ёки чегара бошқариладиган иссиқлик ўтказиш масалалари учун температурани ёки иссиқлик миқдорини, тебраниш масаласи учун эса мувозанатдан оғиш чегарасини маълум оралиқда сақлашда бошқарувни чегаралайдиган параметрларни баҳолаш масалаларини ўрганиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилмоқда. Илм-фан олдига фундаментал тадқиқотларни амалиётга яқинлаштириш масаласи муҳим вазифа сифатида қўйилган. Реал объектлардаги жараёнларни моделлаштирувчи тақсимланган параметрли системаларда эволюцион жараёнларнинг бошқарувини тадқиқ этиш масалаларига оид салмоқли натижаларга эришилди. «Математика, физика, амалий математика» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда тақсимланган параметрли системаларда эволюцион жараёнларнинг бошқарув назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 17 февралдаги

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги №292 «Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

«Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2789-сонли Қарори, 2018 йил 27 апрелдаги «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойихаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3682-сонли Қарори ва 2019 йил 9 июлдаги «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4387-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. “Математика, механика ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўқнашувдан қочиш масаласида қочувчининг мақсади яшовчанлик соҳаси $G$ нинг чегараси билан учрашмаслик ёки учрашув вақтини иложи борича узоқроқ чўзишдан иборат. Тўқнашувдан қочиш масалалари дастлаб Р.Айзекс[2] монографиясида келтирилиб, бу йўналишда олинган натижалар баён этилган. Қуйидаги масалалар шу типга таълуқли бўла олади: ҳаракатланувчи объектларнинг тўқнашувдан қочиши; тўсиқдан оғиши; тўсиқни айланиб ўтиши; бошқарилаётган объектларнинг авария ҳолатида эҳтиёт чораларини кўриши ва яшовчанликнинг турли масалалари.

Оддий дифференциал тенгламалар орқали тавсифланган бошқарув масалалари J.-P.Aubin, A.Feuer, M.Heymann, G.Haddad, P.Cardaliaguet, H.Frankowska, M.Falcon, Z.Kannai, P.Saint-Pierr, P.Loreti, L.Mazzini, Х.Г.Гусейнов, В.Н.Ушаков, Н.Ю.Сатимов, А.Азамов, А.З.Фозилов, М.Тўхтасинов, М.Ш.Маматов, Ғ.И.Ибрагимов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Шу билан бирга тақсимланган параметрли бошқарув системаларига доир масалаларни А.Г.Бутковский, Ж.Лионс, К.Лурье, А.И.Егоров, Ф.Л.Черноусько, В.А.Ильин, Е.И.Моисеев, Н.Ю.Сатимов, Ш.А.Алимов ва бошқалар ишларида кўриш мумкин. Ш.А.Алимов (2011) томонидан чегарага қўйилган конвектор радиатори орқали соҳани иссиқлик билан таъминлашнинг муҳим бошқарув амалий масалалари ўрганилган. М.Тўхтасинов ва У.Ибрагимов (2011) лар томонидан параболик типдаги тенглама билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан инвариант тўплам бўлишининг етарлилик шартлари олинган. Н.Мамадалиев (2013) томонидан ўнг томонида кечикиш ҳолати бўлгандаги параболик типдаги тенглама билан

[2]Айзекс Р. Дифференциальные игры.-М.: Мир. 1967.-480 с.

тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан инвариант бўлган тўпламлар ўрганилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши Тошкент давлат техника университетининг ЁФ4–13 “Спектрал ёйилманинг жамланувчанлиги ва уларни тақсимланган параметрли оптимал бошқарув масалаларида қўллашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш” (2014-2015) ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф4-33 “Дифференциал тенгламалар билан тавсифланувчи зиддиятли ҳолатларни бошқаришнинг янги усулларини яратиш ва уларни сонли амалга ошириш” (2017-2020) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** параболик ва гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг инвариантлигини ўрганиш, чексиз дифференциал тенгламалар системаси орқали берилган бошқарув масалалари учун бошланғич нуқтадан нол нуқтага ўтиш учун оптимал бошқарувни қуриш ва оптимал вақтни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

манба ёки чегара орқали бошқариладиган параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган системага нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг кучли ёки кучсиз инвариант бўлишлиги учун зарурий, етарли шартлар олиш;

манба ёки чегара орқали бошқариладиган гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган системага нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг кучли ёки кучсиз инвариант бўлишлиги учун зарурий, етарли шартлар олиш;

бошқарув функцияси импульсли характерга эга бўлган параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларга нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг кучли ёки кучсиз инвариант бўлишлигининг етарлилик шартларини аниқлаш;

чексиз дифференциал тенгламалар системаси орқали тавсифланган бошқарув масаласи учун бошланғич нуқтадан нол нуқтага ўтишни таъминлайдиган оптимал вақт ва бошқарувни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** параболик ва гиперболик типдаги дифференциал тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системалари, импульсли бошқарув жараёнлари ва чексиз дифференциал тенгламалардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** параболик ва гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан берилган кўп қийматли акслантиришнинг инвариантлигини аниқлаш ҳамда чексиз дифференциал тенгламалар системаси орқали бошқарув объектлари учун бошланғич нуқтадан нол нуқтага ўтиш масаласини ечишдан иборат.

**Тадқиқоднинг усуллари.** Диссертация ишида моментлар усули, функционал анализ, дискрет тенгламалар, математик моделлаштириш, оптимал башқарув, дифференциал тенгламалар ва математик физика, кўп қийматли акслантиришлар назариялари усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

манба орқали бошқариладиган параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан инвариантлиги текширилаётган кўп қийматли акслантириш икки сирт оралиғи кўринишида танланганда, хусусан текисликлар бўлганда, кучли ва кучсиз инвариант бўлишлигининг зарурий шартлари олинган;

манба ёки чегара бошқариладиган параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан инвариантлиги текширилаётган ўзгармас кўп қийматли акслантиришлар, жоиз бошқарув интеграл ва геометрик чегаралар орқали танланганда кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишлигининг етарлилик шартлари олинган;

ташқи таъсир ёки чегараси бошқариладиган гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан инвариантлиги текширилаётган кўп қийматли акслантиришлар ва жоиз бошқарув интеграл ва геометрик чегаралалар орқали танланганда кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишининг етарлилик шартлари олинган;

гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошланғич бошқарув масаласига нисбатан берилган кўп қийматли акслантиришнинг кучли инвариант бўла олмаслик шарти, аммо доимо кучсиз инвариант бўлишлиги кўрсатилган;

бошқарувнинг таъсири импульсли характерга эга параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишлигининг етарлилик шартлари топилган;

чексиз дифференциал тенгламалар системаси орқали тавсифланган бошқарув масаласи учун бошланғич нуқтадан нол нуқтага ўтказувчи оптимал вақт ва бошқарув топилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: математик физика ва бошқарувли эволюцион жараёнлар назарияси асосларини реал жараёнларга мутаносиб равишда ривожлантирган ҳолда, бошқарувли иссиқлик ўтказиш ва тебраниш масалаларининг математик моделлари таҳлил этилган ва такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** математикада қабул қилинган дедуктив хулосаларга, шу жумладан теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлигига асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тақсимланган параметрли системаларда эволюцион жараёнларнинг бошқариш назарияларини ривожлантиришда қўлланилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тақсимланган параметрли системаларда эволюцион жараёнларнинг бошқариш масалаларини ечишга оид олинган илмий натижалар қуйидаги лойиҳаларда жорий қилинган:

тақсимланган параметрли системаларга нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг инвариантлиги бўйича олинган натижалар Россия фундаментал тадқиқотлар фондининг 18-51-41005 ва Россия илмий фондининг 1.5211.201718 рақамли илмий грантларида хусусий ҳосилали тенгламалар билан тавсифланган тақсимланган параметрли бошқарув системалариги нисбатан ечимнинг яшовчанликка текширишда фойдаланилган (Удмурт давлат университетининг 2019 йил 3 июндаги 7873-5939/31-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тақсимланган параметрли системаларда эволюцион жараёнларнинг траекториясини берилган соҳада сақлаб туриш муаммосини ҳал этиш имконини берган;

чексиз дифференциал тенгламалар орқали тавсифланган бошқарув системалари учун бошланғич нуқтадан нол нуқтага ўтиш мумкин бўлган оптимал вақт ва бошқарувни топиш масаласини ечиш бўйича олинган натижалар ОТ-Ф-4-(36+32) «Математик физика ва оптимал бошқарув масалаларини ечишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш. Тоқ тартибли хусусий хосилали тенгламалар учун ноклассик бошланғич ва спектрал масалалар ва уларнинг тадбиқлари» грант лойиҳада ночизиқли бошқарилувчи қувиш дифференциал ўйинларни тадқиқ қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 январдаги 89-03-206-сон маълумотномаси). Бу илмий натижаларнинг қўлланилиши параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган ночизиқли бошқарилувчи дифференциал ўйинларни ечишнинг янги усулларини яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 7 таси республика миқиёсидаги илмий журналларда ҳамда 1 та халқаро анжуман мақолалар тўпламида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 87 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижда олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг тахлили берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги очиб берилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ошкор этилган, тадқиқот натижаларининг тадбиғи, шунингдек нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг таркиби ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларида кўп қийматли акслантиришнинг инвариантлиги»** деб номланган биринчи бобида параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан берилган кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишлиги тадқиқ қилинган.

Қуйидаги кўринишдаги дифференциал операторни қарайлик:

$$A\varphi=\sum_{i,j=1}^{\infty}\frac{\partial}{\partial x_i}\left(a_{ij}(x)\frac{\partial\varphi}{\partial x_j}\right), \tag{1}$$

бу ерда $\varphi=\varphi(x),\ x\in\Omega\subset R^n$ функция $A$ эллиптик операторнинг аниқланиш соҳасидан олинган.

Параболик тенгламалар билан тавсифланган қуйидаги бошқарувли масалаларни қараймиз: манба бошқариладиган

$$u_t(t,x)=Au(t,x)+\mu(t,x),\quad (t,x)\in Q_T; \tag{2}$$

$$u(0,x)=u^0(x),\ x\in\Omega;\quad u(t,x)\big|_{S_T}=0 \tag{3}$$

ва чегаравий бошқариладиган

$$u_t(t,x)=Au(t,x),\quad (t,x)\in Q_T; \tag{4}$$

$$u(0,x)=u^0(x),\ \ x\in\Omega;\ \ Pu(t,x)=\nu(t,x),\ \ (t,x)\in S_T \tag{5}$$

масалалар. Бу ерда

$$Pu(t,x)=\left(\frac{\partial u(t,x)}{\partial n}+h(x)u(t,x)\right),\ (t,x)\in S_T, \tag{6}$$

$h(x)$-берилган функция; $u=u(t,x)-$номаълум функция; $x=(x_1,x_2,...,x_n)\in\Omega\subset R^n,\ n\ge 1,\ \Omega-$чегараланган соҳа, $t\in[0,T],\ T-$ихтиёрий мусбат ўзгармас; $\mu=\mu(t,x),\nu=\nu(t,x)-$ бошқарув функциялари (бошқарув), $\mu(\cdot,\cdot)\in L_2(Q_T)$, $\nu(\cdot,\cdot)\in L_2(S_T)$, $Q_T=\{(t,x)|\,t\in(0,T),\,x\in\Omega\}-R^{n+1}$ фазода очиқ цилиндр; $u^0(\cdot)\in L_2(\Omega)-$бошланғич ҳолат, $S_T=\{(t,x)|\,t\in(0,T),\,x\in\partial\Omega\}-Q_T$ цилиндрнинг ён сирти, $\partial\Omega-\ \Omega$ соҳанинг чегараси бўлиб, бўлакли-силлиқ ҳисобланади.

*1-таъриф.* $D:[0,T]\to 2^R,\ R=(-\infty,\infty)$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) ((4)-(5)) масалага нисбатан кучли инвариант дейилади, агар ихтиёрий $u^0(\cdot)\in L_2(\Omega),\ \langle u^0(\cdot)\rangle_{L_2(\Omega)}\in D(0)$ ва $\mu(\cdot,\cdot)\in M\ \ (\nu(\cdot,\cdot)\in N)$ лар учун барча

$0 < t \le T$ ларда $\langle u(t,\cdot)\rangle \in D(t)$ ўринли бўлса. Бу ерда $\langle\rangle -$мос норма, $u(\cdot,\cdot)-$эса мос равишда (2)-(3) ((4)-(5)) масаланинг ечими.

*2-таъриф.* $D:[0,T]\to 2^R,\ R=(-\infty,\infty)$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) ((4)-(5)) масалага нисбатан кучсиз инвариант дейилади, агар ихтиёрий $u^0(\cdot)\in L_2(\Omega),\ \langle u^0(\cdot)\rangle_{L_2(\Omega)} \in D(0)$ учун шундай жоиз бошқарув $\mu(\cdot,\cdot)\in M$ $(\nu(\cdot,\cdot)\in N)$ мавжуд бўлиб, барча $0<t\le T$ ларда $\langle u(t,\cdot)\rangle \in D(t)$ ўринли бўлса.

Ўзгармас кўп қийматли акслантириш $D(t)=[0,b],\ 0\le t\le T$ кўринишда бўлсин, бу ерда $b-$мусбат ўзгармас сон.

**1.2.1** бандда манба орқали бошқариладиган иссиқлик ўтказиш жараёнини бошқариш масаласига, яъни (2)-(3) нисбатан $D(t)=[0,b],\ 0\le t\le T$ ўзгармас кўп қийматли акслантиришнинг инвариантлиги ўрганилган.

$M$ орқали барча жоиз бошқарувлар тўпламини белгилаймиз ва бу тўплам мусбат $\rho$ сонга боғлиқ ҳолда аниқланади.

Биз турли ҳолларда $D(t)=[0,b],\ 0\le t\le T$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) масалага нисбатан кучли ёки кучсиз инвариант бўлишлигини таъминловчи $T, b, \rho$ параметрларнинг ўзаро боғланишларини топамиз.

*1-ҳолат.* $\langle u(t,\cdot)\rangle = \|u(t,\cdot)\|_{L_2(\Omega)},\ 0\le t\le T$ ва $M=\{\mu(\cdot,\cdot)\mid \|\mu(t,\cdot)\|_{L_2(\Omega)}\le\rho,$ $0\le t\le T\}$ бўлсин.

*1-теорема.* Агар $\rho\le\lambda_1\cdot b$ бўлса, у ҳолда $D(t)=[0,b],\ 0\le t\le T$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) масалага нисбатан кучли инвариант бўлади.

*2-ҳолат.* $\langle u(\cdot,\cdot)\rangle = \|u(\cdot,\cdot)\|_{L_2(Q_T)}$ ва $M=\left\{\mu(\cdot,\cdot)\mid \|\mu(\cdot,\cdot)\|_{L_2(Q_T)}\le\rho\right\}$ бўлсин.

*2-теорема.* Агар $\rho\le b\sqrt{2\lambda_1(1-T)/T}$ тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда $D(t)=[0,b],0\le t\le T$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) масалага нисбатан кучли инвариант бўлади.

*3-теорема.* Агар $2\lambda_1\ge1$ тенгсизлик ўринли бўлса, у ҳолда $D(t)=[0,b],\ 0\le t\le T$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) масалага нисбатан кучсиз инвариант бўлади.

*3-ҳолат.* $\langle u(\cdot,\cdot)\rangle = \|u(\cdot,\cdot)\|_{L_2(Q_T)}$ ва $M=\left\{\mu(\cdot,\cdot)\middle\| \|\mu(t,\cdot)\|_{L_2(\Omega)}\le\rho, 0\le t\le T\right\}$ бўлсин.

*4-теорема.* Агар ёки $\rho\le\lambda_1 b,\ T\le1,$ ёки $1<\rho/(\lambda_1 b)\le\left(1-\sqrt{T}e^{-\lambda_1 T}\right)\Big/$ $\left(\sqrt{T}\left(1-e^{-\lambda_1 T}\right)\right)$ шартлар бажарилса, у ҳолда $D(t)=[0,b],0\le t\le T$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) масалага нисбатан кучли инвариант бўлади.

*5-теорема.* Агар $2\lambda_1\ge1$ шарт бажарилса, у ҳолда $D(t)=[0,b],0\le t\le T$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) масалага нисбатан кучсиз инвариант бўлади.

*4-ҳолат.* $\langle u(t,\cdot)\rangle=\|u(t,\cdot)\|_{L_2(\Omega)}$ ва $M=\left\{\mu(\cdot,\cdot)\middle|\|\mu(\cdot,\cdot)\|_{L_2(Q_T)}\le\rho\right\}$ бўлсин.

*6-теорема.* Агар $\rho>0$ бўлса, у ҳолда $D(t)=[0,b],\,0\le t\le T$ кўп қийматли акслантириш (2)-(3) масалага нисбатан кучли инвариант бўлмайди.

**1.2.2** бандда чегараси бошқариладиган иссиқлик ўтказиш жараёнини бошқариш масаласи, яъни (4)-(5) масалага нисбатан инвариантлик худди 1.2.1 банддаги каби турли ҳолатларда ўрганилди.

Диссертациянинг **«Гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларида кўп қийматли акслантиришнинг инвариантлиги»** деб номланган иккинчи бобида гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишлиги ўрганилган.

Қуйидаги иккита масалани қараймиз: манба бошқариладиган

$$u_{tt}(t,x)=Au(t,x)+\mu(t,x),\ (t,x)\in Q_T; \tag{7}$$

$$u(0,x)=u^0(x),\ u_t\big|_{t=0}=u^1(x),\ x\in\Omega;\ u(t,x)=0,\,(t,x)\in S_T \tag{8}$$

ва чегараси бошқариладиган

$$u_{tt}(t,x)=Au(t,x),\ (t,x)\in Q_T; \tag{9}$$

$$u(0,x)=u^0(x),\ u_t\big|_{t=0}=u^1(x),\ x\in\Omega;\ Pu(t,x)=\nu(t,x),\,(t,x)\in S_T \tag{10}$$

бу ерда $u=u(t,x)-$номаълум функция; $T-$ихтиёрий мусбат ўзгармас; (7)-(8) биринчи аралаш масала учун $\mu\in L_2(Q_T),\ u^0\in\overset{0}{W}{}_2^1(\Omega)$, $u^1\in L_2(\Omega)$ ва (9)-(10) учинчи (иккинчи) аралаш масала учун $\nu\in L_2(S_T),\ u^0\in W_2^1(\Omega)$, $u^1\in L_2(\Omega)$; $A$ ва $P$ операторлар мос равишда (1) ва (6) каби аниқланган.

$M$ ва $N$ орқали барча жоиз бошқарувлар тўпламини белгилаймиз ва улар мос равишда $\rho$ ва $\sigma$ мусбат сонлар орқали аниқланади.

*3-таъриф.* $D:[0,T]\to 2^R,\,R=(-\infty,\infty)$ кўп қийматли акслантириш (7)-(8) ((9)-(10)) масалага нисбатан кучли инвариант дейилади, агар ихтиёрий $\|u^0(\cdot)\|\in D(0),\ \|u^1(\cdot)\|\le c$ ва $\mu(\cdot,\cdot)\in M\ (\nu(\cdot,\cdot)\in N)$ учун барча $0<t\le T$ ларда $\langle u(t,\cdot)\rangle\in D(t)$ ўринли бўлса. Бу ерда $\langle\rangle-$мос норма, $c-$берилган мусбат сон, $u(\cdot,\cdot)-$эса мос равишда (7)-(8)((9)-(10)) масаланинг ечими.

*4-таъриф.* $D:[0,T]\to 2^R,\,R=(-\infty,\infty)$ кўп қийматли акслантириш (7)-(8) ((9)-(10)) масалага нисбатан кучсиз инвариант дейилади, агар ихтиёрий $\|u^0(\cdot)\|\in D(0),\ \|u^1(\cdot)\|\le c$ учун шундай жоиз бошқарув $\mu(\cdot,\cdot)\in M\ (\nu(\cdot,\cdot)\in N)$ мавжуд бўлиб, барча $0<t\le T$ ларда $\langle u(t,\cdot)\rangle\in D(t)$ ўринли бўлса.

Бизнинг мақсадимиз, $D(t)=[0,b]$ кўп қийматли акслантиришнинг $[0,T]$ оралиқда (7)-(8) ((9)-(10)) масалага нисбатан кучли ёки кучсиз инвариант бўлишлигини таъминлайдиган $T,b,c,\rho$ (ёки $T,b,c,\sigma$) параметрлар орасидаги боғланишни аниқлашдан иборат.

**2.1.1** бандда $D(t)=[0,b]$ кўп қийматли акслантиришнинг $[0,T]$ оралиқда (7)-(8) масалага нисбатан инвариантлиги текширилган.

*1-ҳолат.* $\langle u(\cdot,\cdot)\rangle=\|u(\cdot,\cdot)\|_{L_2(Q_T)}, M=\left\{\mu(\cdot,\cdot)\,|\,\|\mu(t,\cdot)\|_{L_2(\Omega)}\leq\rho, t\in[0,T]\right\}$ бўлсин.

*7-теорема.* Агар $\rho\leq\dfrac{\sqrt{\lambda_1 b^2(1-2T)-2c^2T}}{T}$ бўлса, у ҳолда $D(t)=[0,b]$, $0\leq t\leq T$ кўп қийматли акслантириш (7)-(8) масалага нисбатан кучли инвариант бўлади.

*8-теорема.* Агар $c\leq b\sqrt{\lambda_1\dfrac{1-T}{T}}$ бўлса, у ҳолда $D(t)=[0,b], 0\leq t\leq T$ кўп қийматли акслантириш (7)-(8) масалага нисбатан кучсиз инвариант бўлади.

*2-ҳолат.* $\langle u(\cdot,\cdot)\rangle=\|u(\cdot,\cdot)\|_{L_2(Q_T)}$, $M=\left\{\mu(\cdot,\cdot)\,|\,\|\mu(\cdot,\cdot)\|_{L_2(Q_T)}\leq\rho\right\}$ бўлсин.

*9-теорема.* Агар $\rho\leq\sqrt{\dfrac{\lambda_1 b^2(1-2T)}{T}-c^2}$ бўлса, у ҳолда $D(t)=[0,b]$, $0\leq t\leq T$ кўп қийматли акслантириш (7)-(8) масалага нисбатан кучли инвариант бўлади.

*10-теорема.* Агар $\rho\leq b\sqrt{\lambda_1\dfrac{1-T}{T}}$ бўлса, у ҳолда $D(t)=[0,b], 0\leq t\leq T$ кўп қийматли акслантириш (7)-(8) масалага нисбатан кучсиз инвариант бўлади.

*3-ҳолат.* $\langle u(t,\cdot)\rangle=\|u(t,\cdot)\|_{L_2(\Omega)}, t\in[0,T]$, $M=\left\{\mu(\cdot,\cdot)\|\mu(t,\cdot)\|_{L_2(\Omega)}\leq\rho,\right.$ $\left.t\in[0,T]\right\}$ бўлсин.

*11-теорема.* $D(t)=[0,b], 0\leq t\leq T$ кўп қийматли акслантириш $[0,T]$ вақт оралиғида (7)-(8) масалага нисбатан кучли инвариант бўлмайди.

**2.1.2** бандда чегараси бошқариладиган тебраниш жараёнини бошқариш масаласи, яъни (9)-(10) масалага нисбатан инвариантлик худди 2.1.1 банддагидек турли ҳолатларда ўрганилди.

Диссертациянинг **«Импульсли бошқарув ва тез ҳаракатга доир экстремал масалалар»** деб номланган учинчи боби иккита параграфдан иборат.

**3.1** бандда бошқарув импульсли характерга эга бўлиб, яъни Диракнинг дельта функцияси орқали ифодаланган ҳолда тақсимланган параметрли системаларга нисбатан берилган кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариантлиги ўрганилган.

Қуйидаги иссиқлик алмашинув масаласини қараймиз:

$$u_t(t,x)=Au(t,x)+F(t,x,\mu),\ (t,x)\in Q_T; \tag{11}$$

$$u(0,x)=u^0(x),\ x\in\Omega.;\ \ u(t,x)=0,\ (t,x)\in S_T. \tag{12}$$

Бу ерда $u=u(t,x)-$номаълум функция, $F(t,x,\mu)$ ва $u^0(x)-$берилган функциялар, $\mu-$ бошқарув параметри.

Фараз қилайлик, ташқи таъсир (11) системага фақат берилган $\{t_i\}$ вақт моментларида таъсир этсин ва унинг таъсири импульсли характерга эга бўлиб, Диракнинг дельта-функцияси орқали ифодалансин:

$$F(t,x,\mu(\cdot))=\sum_{i=0}^{\infty}\mu(x)\delta(t-t_i),\ x\in\Omega, t\geq 0$$

бу ерда $\mu(\cdot)-$бошқарув ўлчовли функция.

*5-таъриф.* $\sum_{k=1}^{\infty}\Big(\int_{\Omega}\mu(\xi)\varphi_k(\xi)ds\Big)^2=\sum_{k=1}^{\infty}\mu_k^2\leq\rho^2$ шартни қаноатлантирувчи $\mu(\cdot)$ функцияга жоиз бошқарув дейилади. Бу ерда $\rho-$ мусбат ўзгармас, $\mu_k-$ $\mu(\cdot)$ функциянинг $\{\varphi_k\}$ система бўйича Фурье коэффициентлари.

*6-таъриф.* $D:[0,T]\to 2^R, R=(-\infty,\infty)$ кўп қийматли акслантириш (11)-(12) масалага нисбатан $[0,T]$ кесмада кучли инвариант дейилади, агар ихтиёрий $\langle u^0(\cdot)\rangle\in D(0)$ ва $\mu(\cdot)$ жоиз бошқарув учун барча $0<t\leq T$ да $\langle u(t,\cdot)\rangle\in D(t)$ ўринли бўлса. Бу ерда $\langle\rangle-$ мос норма, $u(t,x)-$ эса (11)-(12) масаланинг ечими.

*7-таъриф.* $D:[0,T]\to 2^R, R=(-\infty,\infty)$ кўп қийматли акслантириш (11)-(12) масалага нисбатан $[0,T]$ кесмада кучсиз инвариант дейилади, агар ихтиёрий $\langle u^0(\cdot)\rangle\in D(0)$ учун шундай $\mu(\cdot)$ жоиз бошқарув топилсаки, барча $0<t\leq T$ да $\langle u(t,\cdot)\rangle\in D(t)$ ўринли бўлса.

Бу параграфда ҳам $D(t)=[0,b],\ 0\leq t\leq T$ кўринишдаги кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариантлиги текширилади, бу ерда $b-$ мусбат ўзгармас сон.

Кейинги мақсадимиз $[0,T]$ кесмада $D(t)=[0,b],\ 0\leq t\leq T$ кўп қийматли акслантиришнинг (11)-(12) масалага нисбатан кучли ёки кучсиз инвариант бўлиши учун $T,b,\rho$ ва $\lambda_i$ параметрлар орасидаги боғланишни топишдан иборат.

$N(t)=\max\{i\in N\cup\{0\}:t_i\leq t\leq T\}$ белгилашни киритамиз.

*1-ҳолат.* $\langle u(t,\cdot)\rangle=\| u(t,\cdot)\|_{L_2(\Omega)},\ t\in[0,T]$ бўлсин.

*12-теорема.* $1^{\circ}$. $t_0>T$, у ҳолда ихтиёрий $\rho\geq 0$ учун $D(t)=[0,b]$ кўп қийматли акслантириш (11)-(12) масалага нисбатан $[0,T]$ кесмада кучли инвариант бўлади;

$2^{\circ}$. $t_0\leq T$ ва $\rho\leq b\cdot\left(e^{\lambda_1 t_0}-1\right)/\left(\sum_{i=0}^{N(T)}e^{\lambda_1 t_i}\right)$ бўлсин, у ҳолда $D(t)=[0,b]$ кўп қийматли акслантириш (11)-(12) масалага нисбатан $[0,T]$ кесмада кучли инвариант бўлади.

*2-ҳолат.* $\langle u(\cdot,\cdot)\rangle=\| u(\cdot,\cdot)\|_{L_2(Q_T)}$ бўлсин.

*13-теорема.* $1^\circ$. $t_0 > T$ ва $2\lambda_1 \le 1$ бўлсин, у ҳолда $D(t) = [0, b]$ кўп қийматли акслантириш (11)-(12) масалага нисбатан $[0, T]$ кесмада кучли инвариант бўлади;

$2^\circ$. $t_0 \le T$ ва $\rho \le b \cdot \left( \sqrt{\dfrac{2\lambda_1}{1 - e^{-2\lambda_1 T}}} - 1 \right) / \left( \sum\limits_{i=0}^{N(T)} e^{\lambda_1 t_i} \right)$ бўлсин, у ҳолда $D(t) = [0, b]$ кўп қийматли акслантириш (11)-(12) масалага нисбатан $[0, T]$ кесмада кучли инвариант бўлади.

**3.2** бандда чексиз дифференциал тенгламалар системаси билан тавсифланган тез ҳаракат масаласи ўрганилган.

$\lambda_1, \lambda_2, \ldots -$ ўзгармас сонлар кетма-кетлиги бўлсин.

Қуйидаги масалани қараймиз:

$$\dot{u}_k = -\lambda_k u_k - \mu_k,\ u_k(0) = u_{k0},\ k = 1, 2, \ldots, \tag{13}$$

бу ерда $u_k, \mu_k, u_{k0} \in R^1,\ u_0 = (u_{10}, u_{20}, \ldots) \ne 0$; $\mu = (\mu_1, \mu_2, \ldots) -$ бошқарилувчи параметр ва $\mu_k(\cdot) \in L_2(0, T),\ T -$ ўзгармас сон.

*8-таъриф.* $\mu(\cdot) = (\mu_1(\cdot), \mu_2(\cdot), \ldots)$ функция ёки

$$\|\mu(t)\| = \sqrt{\sum_{k=1}^{\infty} \mu_k^2(t)} \le \rho,\ 0 \le t \le T, \tag{14}$$

ёки

$$\|\mu(\cdot)\| = \sqrt{\int_0^T \|\mu(t)\|^2 dt} \le \rho \tag{15}$$

шартларни қаноатлантирса, у ҳолда бу функция жоиз бошқарув дейилади, бу ерда $\rho -$берилган ихтиёрий мусбат сон.

*9-таъриф.* (13) масалада $u_0 \ne 0$ нуқтадан охирги $0$ нуқтага ўтиш мумкин дейилади, агар шундай $\tau = \tau(z_0) \le T$ сон ва $\mu(t), t \in [0, T]$ жоиз бошқарув мавжуд бўлиб, мос $u(t), t \in [0, T]$ траектория учун $u(0) = u_0, u(\tau) = 0$ шартлар ўринли бўлса. $\tau$ сони ўтиш вақти дейилади.

*10-таъриф.* $\tau^* = inf_\mu \tau(u_0)$ бўлсин. Агар ихтиёрий $\mu(\cdot)$ жоиз бошқарув учун $t \in [0, \tau^*)$ да $u(t) \ne 0$ муносабат бажарилса, у ҳолда $\tau^*$ оптимал ўтиш вақти ва мос $\mu^*(t), t \in [0, T]$ оптимал бошқарув дейилади.

Мақсад (14) (ёки (15)) бошқарувга эга (13) масала учун $u_0$ бошланғич нуқтадан $0$ нуқтага ўтиш мумкин бўлган оптимал вақт ва бошқарувни топиш.

$\mu(\cdot) = (\mu_1(\cdot), \mu_2(\cdot), \ldots)$ бошқарув (14)-шартни қаноатлантирсин.

*14-теорема.* $\sum\limits_{k=1}^{\infty} (\lambda_k)^2 \cdot |u_{k0}|^2 < \rho^2$ бўлсин, у ҳолда (13) масалада ихтиёрий бошланғич нуқта $u_0 \ne 0$ дан нолга оптимал ўтказиш мумкин.

$\mu(\cdot) = (\mu_1(\cdot), \mu_2(\cdot), \ldots)$ бошқарув (15) шартни қаноатлантирсин.

*15-теорема.* Агар $\sum_{k=1}^{\infty}\left(-2\lambda_k\right)\cdot\left|u_{k0}\right|^2<\rho^2$ бўлса, у ҳолда (13) масалада ихтиёрий бошланғич нуқта $u_0\neq 0$ дан нолга оптимал ўтиш мумкин.

## ХУЛОСА

Ушбу диссертация иши тақсимланган параметрли системаларда эволюцион жараёнларнинг бошқариш масалаларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқот натижасида олинган асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Манбаси ёки чегараси бошқариладиган параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишининг зарурий ёки етарлилик шартлари олинган.

2. Манбаси ёки чегараси бошқариладиган гиперболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларига нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлишининг етарлилик шартлари олинган.

3. Бошқарув функцияси импульсли характерга эга параболик типдаги тенгламалар билан тавсифланган бошқарув системаларга нисбатан кўп қийматли акслантиришнинг кучли ва кучсиз инвариант бўлиши учун етарли шартлар келтирилган.

4. Чексиз дифференциал тенгламалар системаси орқали ёзиладиган бошқарув масаласи учун бошланғич нуқтадан нол нуқтага ўтиш мумкин бўлган оптимал вақт ва бошқарувни топиш масаласи ечилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.FM.05.04**
**ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ**
**ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**
**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МУСТАПОКУЛОВ ХАМДАМ ЯНГИБОЕВИЧ**

# РЕШЕНИЕ ЗАДАЧ УПРАВЛЕНИЯ ЭВОЛЮЦИОННЫМИ ПРОЦЕССАМИ В СИСТЕМАХ С РАСПРЕДЕЛЕННЫМИ ПАРАМЕТРАМИ

**01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)**
**ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Фергана – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/FM9.**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана и в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Тухтасинов Муминжон**<br>доктор физико-математических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Саматов Бахром Таджиахматович**<br>доктор физико-математических наук, профессор |
| | **Рахманов Аскар Тажибаевич**<br>кандидат физико-математических наук, доцент |
| **Ведущая организация:** | **Институт математики имени В.И.Романовского АН РУз** |

Защита диссертации состоится «____» _____________2020 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.FM.05.04 при Ферганском государственном университете. (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-02, факс: (+99873) 244-44-93, e-mail: fardu_info@umail.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирована за №___). (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Мураббийлар, 19. Тел.: (+99873) 244-44-94).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2020 года.

(протокол рассылки № ___ от «___» ______ 2020 года).

**А.К. Уринов**
Председатель научного совета по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н., профессор

**И.У. Хайдаров**
Ученый секретарь научного совета по присуждению научных степеней, к.ф.-м.н.

**Ш.Т. Каримов**
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научных степеней, д.ф.-м.н., доцент

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.**

Многочесленные научные исследования, проводимые в научном мире, посвящены изучению проблем управления эволюционными процессами в системах с распредленными параметрами. Системы с распредленными параметрами являются объектом изучения теории дифференциальных уравнений и обладают рядом важных особенностей. При этом для исследования необходимо применение методов дифференциальной геометрии, алгебры, функционального анализа и топологии, а также вычислительной математики и компютерных технологий, что продиктовано современными требованиями. В свою очередь математическая теория управления эволюционными процессами в системах с распредленными параметрами и её приложения основываются на методах теории математической физики. В природе и технике большинство процессов носит эволюценный характер и поэтому моделируются с помощью систем с распредленными параметрами, и по этой причине изучение задач управления эволюционными процессами систем с распредленными параметрами является одним из актуальных направлений современной математики.

На сегодняшний день на сложных технических объектах в мире разработка математических моделей управления процессами передачи тепла или колебания является одной из важнейших проблем. В этом контексте сохранение температуры или величины тепла для задачи управления передачи тепла и сохранение амплитуды для задачи колебания в известном промежутке времени представляет собой нерешенных задачи.

В нашей стране уделается большое внимание прикладным аспектам фундаментальных наук. Перед фундаментальной наукой поставлена важная задача применения полученных важных теоретических результатов на решения практических задач. Для управления эволюционными процессами, которые являются моделями реальных объектов, получены значимые результаты. В соответствии с международными стандартами проведение научных исследований в приоритетных направлениях «математики, физики, прикладной математики» признано как основополагающее[3]. Во исполнении указанных задач, важное значение приобретает проведение исследований по изучению в теории управления эволюционными процессами с распределенными параметрами.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», и в Постановленыях Президента Республики Узбекистан ПП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и

---

[3]Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан».

финансирования научно-исследовательской деятельности» и ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности института математики имени В.И. Романовского академии наук Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

**Степень изученности проблемы.** Задача избежания столкновений является задачей оптимального управления в определенном смысле противоположная задаче быстродействия. Цель управления в задаче для избежания столкновений сводится к тому, чтобы как можно дольше удержать фазовую точку в пределах заданного множества-области выживаемости. Задача избежания столкновений, о которой, по-видимому, впервые упомянуто в книге Р.Айзекса[4], мало исследована. Типичными примерами задач такого типа являются: проблема избежания столкновений движущихся объектов; уклонение от препятствия; предотвращение аварийных состояний управляемых объектов; различные задачи живучести.

Задачи управления, описываемые обыкновенными дифференциальными уравнениями изучали J.-P.Aubin, A.Feuer, M.Heymann, G.Haddad, P.Cardaliaguet, H.Frankowska, M.Falcon, Z.Kannai, P.Saint-Pierr, P.Loreti, L.Mazzini, Х.Гусейнов, В.Н.Ушаков, Н.Ю.Сатимов, А.Азамов, А.З.Фазылов, М.Тухтасинов, М.Ш.Маматов, Г.И.Ибрагимов и др.

